

**ТУТНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИГА МАҲАЛЛИЙ ВА МИНЕРАЛ УГИТЛАРДА  
ОЗУҚЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ ИПАК ҚУРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ПИЛЛА  
ҲОСИЛИ, БИОЛОГИК ҲАМДА ТЕХНОЛОГИК КО'РСАТКЧЛАРИГА ТА'СИРИ**

қ.х.ф.д.,к.и.х.

**С.Т.ВАЛИЕВ**

**Таянч Доктарант: М.Бердимуратов**

**Аннотатсия:** Ушбу мақола Тут мевасининг органик ва минералогик жиҳатдан озикланиши ҳамда уларнинг ипак қурти ривожланиши пилла ҳосил ва биологик ривожланишига та'сирини ёритишдан иборат.

**Калит сузлар:** Тут, пилла, технологик, биохимик, минерал, ипак, угит.

**КИРИШ.** Мавзунинг долзарблиги. Барча ўсимликларнинг нормал тарзда ўсиши учун маълум турдаги кимёвий элементлар талаб қилинади. Ўсимликлар ҳаёт циклини тўлиқ босиб ўтиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва бир бирининг ўрнини тўлиқ тўлдиролмайдиган 16та кимёвий элемент мавжуд.

Тут дарахтининг хўжалик жиҳатидан энг аҳамиятли қисми барги бўлиб, у ипак қуртининг ягона озигидр. Тут баргида ипак қуртининг эҳтиёжни тўлиқ таъминловчи озик моддалар – қанд, оксил, ёғ, сув, ферментлар ва хар хил витаминлар мавжуд. Ипак қурти уруғи жонланиши биланоқ тут барги билан озикланади ва натижада пилла ўрайди. Тут барги қанча мўл бўлса, шунча кўп миқдорда қурт боқилиши ва шунча кўп пилла етиштириш мумкун бўлади.

Вақт ўтиши билан, тупроқ ўз таркибидаги баъзи кимёвий элементларни бутунлай йўқотади. Бошқалари эса мавсум давомида йўқолсада, аммо ерга тўкилган ёки сарғайган тут мевалари, барглари ва буталанган шохлар қолдиқлари орқали яна тупроққа қайтадилар. Масалан, гектарига 20 тонна берувчи 15 йиллик тутзорлардаги дарахтлар йилига тупроқдан 25.5 кг азот, 5 кг фосфор, 39 кг калий, 6.3 кг кальций ва 1.9 кг магний моддаларини бутунлай сўриб олади.

Ўғитлар икки катта гуруҳга бўлинади: органик ва но-органик. Органик ўғитлар ўсимликлар, ҳайвонлар ёки табиий жараёнлар натижасида вужудга келади. Но-органик ўғитлар эса сунъий ишлаб чиқарилади ва кўплаб манбълар ёрдамида шакллантирилади. Тарихан, қишлоқ хўжалиги экинларига ва томорқа учун мўлжалланган боғлар тупроқлари барпо этилишидан олдин ўғитлар билан тўйинтирилмаган. Кўчатлар ерга ўтказиб бўлингандан сўнг улар асосан азот (N) билан ўғитлантилган. Сўнги йилларда, кўчат экишдан аввал тупроқни ўрганиш ва органик ўғитлардан фойдаланиш даражаси ошди.

Республикамизда бугунги кунда пиллачиликни ривожлантириш катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сонли «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-6059-сонли ҳамда 2018 йил 20 мартдаги «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3616-сонли қарорлари ҳамда тармоққа тегишли бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ипакчилик тармоғини янада ислоҳ қилиш, ипак санотини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларини жалб этиш, орқали пиллани чуқур қайта ишлаш асосида ташқи бозорда харидоргир, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш белгилаб берилган топшириқлар ижросини бажаришда ушбу тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

#### **. Ўғитларни тавсифи**

**АММОФОС:** Аммофос таркибида азот билан фосфор бўлган концентрланган минерал ўғит. У асосан моноаммонийфосфат ва қисман диаммоний-фосфат аралашмасидан иборат. Донадор Аммофос таркибида камида 10% азот, кўпи билан 45% фосфор ангидрид бор. А. да балласт компонентлар бўлмайди. Сувда эрийди, физик хусусиятлари яхши. Аммофосни ҳар хил тупроқларда қўллаш мумкин. тутга экишдан олдин (шудгорлашда, баҳорги ҳайдашда, экиш олдидан, экиш вақтида), гуллаш олдидан ёки гуллаган вақтида солинганида ҳам самарали. Ўзбекистоннинг тутзорларида фосфорли ўғитлар йиллик нормасининг 80% ни Аммофос ташкил этади, чунки у бошқа мураккаб концентрланган азотли-фосфорли ўғитларга қараганда самаралироқ

**АЗОТ:** Азот ўзлаштирувчи бактериялар асосидаги биологик ўғит, деҳқончасига айтилса, БИОСЕЛИТРА. Бу бактерия (*Azotobacter chroococcum*) тупроқда қанча кўп бўлса тупроқ шунчалик жигарранг-қора бўлади. Тупроқ унумдор, ҳосилдорлик икки мартагача ошади. Асосий вазифаси ҳаводан азотни ўзлаштириб, ўсимликларга осон ўзлашадиган озуқага айлантиради. Яратганнинг мўъжизаси. Бу бактериянинг яна бир муҳим вазифаси қишлоқ хўжалик экинлари зарарқунанда микроорганизмларини йўқотади. Тупроқ соғломлашади, ўсимлик касалланмайди. Дарахтлар баргларидаги вирус ва замбуруғларни йўқотади. Ўта арзон, экологик тоза маҳсулот.

Фаол транспирация жараёни кечаётган баргларга азот жуда зарур, шунинг учун азот кеч кузда, қишда ва эрта баҳорда қўлланиши мумки эмас. Ортиқча ҳажмдаги сув азот моддасини ювиб юборишини ёдингизда тутинг. Нитратлар жуда фаол ва илдизга енгил сўрилиши туфайли дарахтлар уларни яхши ўзлаштирадilar.

**МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ:** Гўнг-энг муҳим маҳаллий ўғит. Таркибида ўсимликлар учун зарур барча озик моддалар мавжуд бўлганлиги сабабли академик Д. Прянишников «минерал ўғит қанча кўп ишлаб чиқарилмасин, гўнг ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди, деҳқончиликдаги асосий ўғит бўлиб қолаверади», деб ёзган эди.

#### **Маҳаллий ўғит**

Чорва молларини боқиш усули ва хўжаликларнинг имкониятларига боғлиқ равишда тўшамали ёки тўшамасиз гўнг олинади. Тўшамали гўнг чорва молларининг қаттиқ ва суюқ ажратмалари ҳамда улар остига ташланадиган похол, сомон, қипиқ, торф каби жинслардан иборат бўлиб, 25% қуруқ модда ва 75% сувдан иборат. Тут ипак куртининг озуқа миқдори, курт боқиш давридаги ҳаво ҳарорати ва намлик даражаси меъёрларида бўлган шароитда тадқиқ этиш учун Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг (Ипкчилик ИТИ) «Тут ипак курти наслчилиги, экологияси ва кимёвий

захарланиш профилактикаси» лабораториясида яратилган ипак куртнинг Ўзбекистон 5 ҳамда Хитой давлатидан олиб келинган дурагайлардан фойдаланилди.

#### **ХУЛОСА.**

1. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўғири фойдаланиб, тутзорларга ишлов берилса, уларни баргидан озикланган ипак куртларини пилласини вазни, пилла қобиғи вазни ва ипакчанлик кўрсаткичлари юқори бўлиши аниқланди.

2. Баҳор мавсумида тут дарахтларини ўғитлар билан озиклантириш баргларда энг зарур озуқа моддаларига бойлигига, куртларнинг меъёрда озикланишига, ўсиш ва ривожланишига ҳамда баргларда етарлича намлик ва протеин моддасига бой бўлишига олиб келади.

3. Тут дарахтининг ҳосилдорлиги навнинг мўл барг ҳосили бўлиши, унинг сифати, баргини еган ипак куртнинг берган пилла ҳосили ва унинг технологик кўрсаткичларига қараб ўлчанади. Но-органк ва органик ўғитлар беришни ҳисобга олиш зарур.

4. Янги яратилаётган тут навларинимаҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантиришда тутнинг морфо-физиологик кўрсаткичлари билан бирга, ипак куртнинг ҳаётчанлик ва пилла маҳсулдорлик белгилари таъсирини ҳисобга олиш керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. С.Жалилов Х.С.Хомидий А.Аҳмедова. Озуқа таркибидаги сув миқдори ва ипак курти маҳсулдорлиги ИПАК журнали 1997,
2. Г.Хайитбоева, Тутчилик, Пиллачилик, Инкубатория” уқув қўлланма Хоразм 2017й. 15-17-бет
3. Б.Ниязалиев. Б.Тиллабеков Маҳаллий ўғит мўл ҳосил гаровидир Agro Olam №16. 2018.15-б.
4. Ў.Қўчқоров, Д.И.ХолматовТутчиликка доир агротехника қоидалари, Тошкент 2007 14-б.
5. Ў.Қўчқоров, Д.И.Холматов Тутчиликка доир агротехника қоидалари, Тошкент 2007 [32]
6. Ў.Қўчқоров, Д.И.Холматов Тутчиликка доир агротехника қоидалари, Тошкент 2007 [37]
7. Ў.Умирзоқов. А.Аҳмедов. Л.Шурова 7-б AGRO ILM 4 [36] son 2015
8. Ў.Умирзоқов. А.Аҳмедов. Л.Шурова 8-б AGRO ILM №12.2014.
9. Н.С.Сохибова Молодой ученый. — 2022. — № 17 (412). 1-4 б.
10. Ч.И.Беккамов, Н.С.Сохибова, М.О.Зикирова, Ўзбекистон Аграр фани Хабарномаси №1 (75) 2019 йил